Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 180 (21. 047) 1991 йил 14 сентябрь, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Бугун Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойи очилади

СУРАТДА: Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи делегатлари (чапдан ўнгга): Пахтаобод қишлоқ хўжалик техникаси бошқармаси чилангари М. Баратов, Жалолқудуқ районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалиги сут соғувчиси Қ. Турднева, Фарғона вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Б. Каримов, Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг механизатори Б. Ҳусанов, Ғиждувон районидаги Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги раиси С. Абдуллаев, «1-Бухоро» локомотив депоси станциясининг ёрдамчи хўжалик бригадири Ш. Шоднев, Когон район партия қўмитасининг биринчи котиби З. Шарипов, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» давлат хўжалиги механизатори С. Қурбонбоева, Янгиариқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи О. Бобожонов.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• Бизнинг суҳбат

ИШЧИЛАР ИРОДАСИ

Партиянинг бундан буёнги тақдири республикамиз коммунистларини ҳам, партиясизларни ҳам жиддий ўйлантирмоқда, ташвишга солмоқда. Шу кунларда бу борада турли фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Лекин энг муҳими — Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини ҳимоя эта оладиган, шу йўлда жон куйдирадиган мустақил янги партия зарурлиги тобора равшан бўлаяпти. «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Алишер РЎЗИЕВ Тошкентдаги В. И. Ленин номли «Фотон» электрон-техника заводида бўлиб ана шу жамоа коммунистларидан партия фавқулодда XXIII қурултойи арафасидаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишни сўради.

Ў. Худойберганов, завод партия қўмитаси котиби: — Турли миллат вакилларидан иборат бизнинг жамоамизда 742 нафар коммунист бор. Ҳозир биз партиямиз тарихида энг оғир ва машаққатли даврни бошдан кечиряпмиз. Шундай шароитда Ўзбекистоннинг мустақил партияси тузилиши мақсадга мувофиқ. Янги партиянинг ҳар бир аъзоси партия иши учун, партия эса ўзининг ҳар бир аъзоси учун жавоб бериши керак. Ўзбекистон Коммунистик партияси республика меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя этиш йўлида жон куйдиряпти. Президентимиз И. А. Каримов ўзининг барча эзгу ишларида коммунистларга таянмоқда. Эндиликда тузиладиган янги партиянинг ташкилий тузилмаларини бутунлай янгилаб, унинг фаолият усуллари ва шаклларини тубдан ўзгартириш натижасидагина олдимизга қўйилган мақсадга, яъни мустақил республикамизнинг гуллаб-яшнашига эришиш мумкин.

Б. Юсупов, мастер: — собиқ Бош котиб М. С. Горбачевга КПСС фаолиятини тўхтатиб туришга ҳеч ким ваколат бермаган. Партия тақдирини коммунистларгина ва партия съездигина ҳал эта олади. «Жамоат ташкилотлари тўғрисидаги» қонунга кўра, фақат судгина партияни тарқатиб юбориши мумкин.

Суҳбат кўрсатдики, «Фотон» коммунистлари кўпчилигининг фикри қатъий, улар партия келажагига ишонадилар. Бу айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми натижаларига бағишланган завод коммунистларининг умумий йиғилишида яна бир карра яққол намоён бўлди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳар қандай шароитда ҳам партияни сақлаб қолиш кераклигини яқдил айтишди. Улар партия Марказий Қўмитаси билан республика ҳукуматининг халқ турмушини яхшилаш, Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган изчил йўлини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қабул қилган қарорда ҳам бу фикр ўз аксини топди. Бу қарорда партия номи қандай бўлишидан қатъи назар, маъмурий-буйруқбозлик билан эмас, балки мафкура иши билан шуғулланиши, партия давомийлиги таъминланиши, социалистик ғоя сақланиб қолиши лозимлиги таъкидланган. «Фотон»чилар Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига сайлаган вакиллари — завод бош директори В. Татеосов ва созловчи Н. Умаровга ўз фикрларини съезд қатнашчиларига етказишни топширдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

13 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Марказий Комитет котиблари ва бюро аъзоларининг Ўзбекистон Коммунистик партияси фавқулодда XXIII съездига республика вилоятлари, шаҳарлари ва районларидан сайланган делегатлар билан учрашувлари бўлди. Учрашувларда Марказий Комитет сиёсий маърузасининг асосий тезислари, съезд қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳалари, ишчи органлари таркиби ва иш тартиби принципиаллик ва бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорлик қилиш, партиянинг бундан кейинги тақдири учун масъулият ҳисси руҳида кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган ҳужжатларга билдирилган фикр мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб тегишли ўзгартишлар киритилди, улар съездга тақдим этиш учун тавсия қилинди.

Делегатлар билан учрашувларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, республика Президенти И. А. Каримов, Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев, бюро котиблари ва аъзолари А. С. Ефимов, К. Ю. Юсупов, А. И. Икромов, А. И. Фозилбеков, Ў. Ҳошимов ва бошқалар қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съезди 14 сентябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республика Президенти аппаратининг катта мажлислар залида очилади.

«Ўзбекистон овози» анкетаси

Анкета саволларига Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Гулчеҳра Турғунова жавоб беради.

1. Мамлакатдаги сиёсий воқеалар ҳақидаги фикрингиз?

2. КПСС Марказий Қўмитаси аъзолигидан чиқаётганингизда нималарни мушоҳада қилдингиз?

3. Ўзбекистондаги сиёсий ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз? Бундан кейинги мақсад-режаларингиз?

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

1. Август воқеалари шундоқ ҳам тўлқинланиб турган мамлакатнинг сиёсий ҳаётини яна да мураккаблаштириб юборди. Марказга бўлган ишончимизнинг таг-замини бирдан қулади. Энг даҳшатлиси ғоявий эътиқодимиз таянчи бўлган КПСС Марказқўми ўзининг ярокисизлиги, унинг раҳбарияти эса бу улкан партияни бошқаришга, қалтис вазиятларда бирдан бир тўғри йўлни танлаб олишга ноқобил ва жасоратсиз эканлигини кўрсатди. Натижада Иттифоқ шартномасига умид кўзи билан қараб турган халқларнинг марказдаги раҳбариятдан ҳафсаласи пир бўлди. Бунинг устига Иттифоқдаги энг масъулиятли вазифа ва ваколатларнинг маълум бир республика қўлига ўтиб қолиш хавфи туғилди. Шу боис республикалар ва улар Компартияларининг ўз мустақилликларини эълон қилишлари ва бу йўлда амалга оширилаётган ишлар қонуний ҳамда шу республикалар халқларининг манфаатига хизмат қилади, деб қатъий ишонаман. Марказ бириктирувчи ва раҳбарлик қилувчи куч сифатида ўз роли ҳамда ўрнини қадамба-қадам бой бермоқда. Энди у фақат мувофиқлаштирувчилик ролинигина даъво қилиши мумкин. Назаримда мустақил давлатларнинг конфедерацияси аниқ бўлиб турибди.

2. КПСС Марказий Қўмитаси Котибияти аъзолигидан чиқиш ҳақида ариза ёзар эканман, кўп нарсаларни мушоҳада этдим. Мен 26 йилдан буён КПСС аъзосиман. Партияга бутун борлиғим, эътиқодим ва виждон амрим билан келганман. Узоқ йиллар бошланғич партия ташкилоти котибаси ҳам бўлдим. Оддий ишчи-коммунист сифатида КПСС Марказий Қўмитаси Котибияти аъзолигига сайланганим мен учун жуда катта бахт эди. Аммо Котибият йиғилишларида қатнашув жараёни, раҳбар ходимлар билан мулоқотлар даврида партия раҳбариятининг оддий халқ турмуши, ўй-хаёллари, ташвишларидан анча йироқдалигини сеза бошладим. Бунинг устига Котибият фаолиятида расмиятчилик кўринишлари ҳам йўқ эмас эди. Масалан, КПСС XXVIII съездидан кейин ўтган бир йилдан кўпроқ вақт ичида Котибият аъзолари фақат бир марта тўлиқ тўпландилар холос. Шу йил бошидан бошлаб эса бу ишга мутасадди ходимларнинг айби билан Котибият мажлисларида умуман иштирок этмадим. Чунки улар худди атайлаб қилгандек Котибият мажлиси бўлиши ҳақида йиғилишдан атиги бир кун аввал ёки ўша куни хабар қилишарди. Ахир Марғилондан Москвага етиб бориш, муҳокама этиладиган масала билан танишиб, мажлисга тайёргарлик кўриш, ўз шахсий фикримни билдириш учун маълум вақт керакку, ахир!

Ўтган йилги Котибият мажлисларидан бирида мен собиқ бош вазир Павловнинг бўлажак нарх-наво ислоҳотига кескин қарши чиққан эдим. Товон пули тўлаш, маошларни хиёл ошириш йўли билан 3-4 баравар кўтарилиб кетадиган нарх-наво туфайли жамиятда вужудга келадиган кескинлик, танқислик, қимматчиликнинг олдини олиш мумкин эмаслигини айтдим. Мен ўшанда ўзим каби миллион-миллион ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилган эдим. Афсуски, кейинчалик донбасслик шахтёр А. Гайворонский билан иккаламизни Котибият ишидан четга суриб қўйишга мойиллик борга ўхшаб қолди. Менга Котибиятда кўриладиган масалалар ва қабул қилинадиган қарорлар лойиҳасини жўнатишар, мен эса шу ерда туриб фикрларимни билдириб, имзо чекар, ҳужжатларни эса Котибиятга қайтариб юборар эдим. Натижада юзма-юз мулоқот, фикр алмашувисиз қабул қилинган қарорларнинг аксариятида Ўрта Осиёдан ягона вакил бўлган кишининг фикр-мулоҳазалари акс этмай қоларди.

М. С. Горбачевнинг Марказий Қўмита Бош котиби лавозимини зиммасидан соқит қилганлиги, КПСС Марказий Қўмитаси биносини муҳрлашга рухсат берганлиги партия аъзоси сифатида менга жуда ёмон таъсир қилди. Ахир Марказқўмнинг навбатдан ташқари Пленумини чақириш, Марказқўм аъзолари билан маслаҳатлашиш, ўз истеъфоси сабабларини миллионлаб коммунистлар онгига етказиш мумкин эдику. Унинг қандай қилиб йиллар давомида шаклланган эътиқодидан бир лаҳзада воз кечганини ҳозиргача сира ҳам тушунолмаяпман. Ахир эслаб кўринг — одамлар мана шу эътиқодни ҳамма нарсадан устун қўйиш ган. Улар ҳамма нарсадан воз кечганлари ҳолда ўз имони, ўз эътиқодини сақлаб қолганлар...

3. Ўзбекистон Компартиясининг янги, яна ҳам дёмократиялашган, мустақил, халқ манфаатларини тўлиқ ифода этувчи Дастури ва Уставига эга бўлган партияга айланиши жараёни партия XXII съездидан кейиноқ бошланган эди. Ҳозир қилинаётган ишларни ўша съезд қарорларининг мантиқи, давоми деб ҳисоблайман. Республика сиёсий ҳаётида мутлақо янги давр — кўп партиялилик даври бошланди. Бу эса ҳар бир партия аъзосида кенг мушоҳада, чуқур билим, ўз партияси манфаатларини ҳар қандай анжуман ва шароитда ҳам ҳимоя эта билиш салоҳияти бўлишини тақозо этади. Агар гапнинг ростини айтадиган бўлсам Ўзкомпартия сафларида мана шундай фазилатлар эгаси бўлмаган кишилар ҳам учрайди. Энди янгидан тузиладиган партия ўз аъзолари сонини ошириш устида эмас, балки сифатини яхшилаш устида ишлаши керак.

Янги тузиладиган халқчил партия мустақил республиканинг ривожланиш, иқтисодиётини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш жараёнида халқнинг оқил, адолатли ташаббускор кўмакчиси бўлиши керак. Бунга ишончим комил. Зеро, мустақилликнинг масъулияти кат та. У ҳар биримиздан бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашимизни талаб этади. Бунда партиянинг ролини камситиб бўлмайди. Бир мисол: корхонамизда 660 нафар коммунист бор. Улар ишни ҳам, жамоатчилик топшириғини ҳам уддалаб бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Корхонада 8 ойлик режага қўшимча 7 миллион 948 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 74 миллион сўмликдан зиёд фойда кўрилди. Ҳар бир ишчига берилаётган товон пули 100-120 сўмга етказилди. Албатта бу ишларни амалга оширишда партия ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Буни ёддан чиқармаслик зарур.

УФҚЛАР ОЧИЛДИ

Кўпмиллатли Ўзбекистон Республикаси халқларининг орзулари амалга ошди. Республикамиз мустақилликка эришди. Бунинг учун ўз халқига ғамхўр Президентимиз И. А. Каримовга қўлимизни кўксимизга қўйган ҳолда раҳмат, деймиз.

Ўзининг «оқ олтин»и ва бошқа бойликлари билан, олам узра донг таратган республикамизнинг янада гуллаб яшнаши, халқининг фаровон яшаши учун катта уфқлар очилди. Ана шу уфқларни забт этиш эса ўзимизнинг қўлимизда. Энди қўлни қўлга бериб, ахиллик билан зарб-дорчасига меҳнат қилсак, яқин орада тангликни енгиб, бой-бадавлат давлатлар қаторидан ўрин олишимиз, шубҳасиздир.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.
Тошкент шаҳри.

• Республикамиз далаларида

ТЕРИМ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН пахтакорлари очилган пахтани танлаб теришга киришдилар. «Қизил карвонлар» Тўрткўл, Амударё, Элликқалъа ва Беруний районларидаги пахта заводларига дастлабки ҳосилни келтирди. Терим суръати тобора ортиб бормоқда. Ғўза баргини сунъий тўктириш ишлари авжида. Яқин келажакда хирмонларга барака кириши кутилмоқда.

* * *

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Т. Аҳмедов номли давлат хўжалиги пахтакорлари мавсумда четдан ёрдамчи олмасликка аҳд қилишди. Чунки бу ерда машина теримига алоҳида эътибор берилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, мавсумда 150 тоннадан зиёд пахта терган механик-ҳайдовчи енгил автомашина сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Қўл теримига тўланадиган ҳақ ҳам кўпайтирилди. Айни пайтда хўжаликда ғўза баргини тўктириш якунланди. Тез орада бир йўла 80 та пахта териш машинаси далаларга олиб кирилади.

⊙ Маҳбуба Жўраева бу йилги мавсумда беш тонна пахта теріб беришга жазм этган. Наманган вилоятининг Поп районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги пешқадами кунига 200—250 килограммдан пахта термоқда. Чапдаги суратга қаранг.

⊙ Самарқанд вилоятининг Челак районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги аъзолари 1200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Бунинг 80 фоизи машиналарда теріб олинади. Ҳозир эса ғўза баргларини сунъий тўктириш жадал суръатларда олиб бориляпти.

Ўнгдаги суратда: хўжаликнинг 1-бригадасида ғўзаларга дори пуркаш пайти.

У. Қўшвоқов ва К. Турсунов олган сурат.

ТАРИХИЙ ҚУРУЛТОЙДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мафкурамизни, дастурий мақсадларимизни, партия тузилмаларини, унинг жамиятдаги фаолияти шакллари ва услубларини тубдан қайта кўриб чиқиш, Дастуримиз ҳамда Уставимизга тегишли ўзгартишлар киритиш, биз съездда қабул қиладиган дастурий ҳужжатларга мувофиқ партия номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани қўйишимиз зарур. Агар буни қилмасак, КПССга ўхшаб бир чеккага чиқиб қоламиз.

(И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссияси қўшма пленумида қилган маърузасидан).

АВГУСТ ойидаги ўша фожиали кунлардан буён орадан қанча вақт ўтмасин, ғайриконституциявий фитна механизми тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар қанчалик хилма-хил бўлмасин, биз — коммунистлар учун чўнтагида партия билети бўлган бир тўда сохта «қутқарувчилар» партия ишига, социалистик йўлга, жамиятни демократиялаш ва қайта қуриш ишига ўнглаб бўлмас даражада зарба берганликларини алам билан қайд қилмоқдамиз. Биз бу зарбани асло унута олмаймиз. Айни пайтда жамиятнинг демократик кучлари хунтага, фавқулодда ҳолат давлат комитетининг қонунга зид қарорларига қарши ягона куч бўлиб бирлашганликларини кўрдик. КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси, Котибияти, амалда эса бутун аппарати саросимага тушиб, қутиб турувчилик позициясини тутдилар. Бу билан улар коммунистларнинг кўп миллионли отрядини амалда раҳнамосиз қолдирдилар. Шундай раҳбарлар ҳам топилдики, улар фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталмиш ташкилотнинг барча буйруқларига тобеларча бўйсунишдан ташқари қўйи бўғинларда шу комитетни қўллаб-қувватлаш муҳитини яратишга уриндилар. Амалда ҳеч кўрилмаган воқеа юз берган ҳамда Бош котиб ўз лавозимидан амалда олиб ташланган бир пайтда партия ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Биз КПСС Марказий Қўмитаси раҳбарияти зудлик билан ҳаракат қила олиши мумкин эканлигини биламиз. Унга бир кеча-кундуз мобайнида бутун Марказий Қўмитани тўплашга ҳамда давлат тўнтаришининг олдини олиш учун коллектив чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳеч нарса халақит бермасди. Имоним комилки ана шундай қилинганда партиянинг обрў-эътибори ошган бўларди. Айни пайтда КПССнинг ягона тузилма сифатида бўлиниб кетишининг олдини оларди. Афсуски биз шундай қатъиятни кўрмадик. М. С. Горбачев Москвага қайтиб келгач, ўша заҳоти мамлакат коммунистлари билан кенгаш ўтказилишига умид қилган эдик. Бу ҳам бўлмади. Партия комитетлари, Марказий Қўмита аъзолари, оддий коммунистлар навбатдаги «фавқулодда ҳодиса»дан — Бош котибнинг ўз лавозимидан ўзбошимчалик билан воз кечганлигидан, КПСС Марказий Қўмитаси тарқатиб юборилганлигидан, партия мол-мулки қонунсиз равишда давлат ихтиёрига ўтказилганлигидан, шу асосда жойларда тегишли қарорлар қабул қилинганлигидан карахт аҳволга тушиб қолдилар.

Ҳозир матбуотда мутахассислар, партиянинг кадр ходимлари ва оддий аъзолари бу ҳақда кўплаб ёзмоқдалар. Қонунсизликка қарши ғайриқонуний усуллар билан курашиш керак эмас. Ҳамма, шу жумладан, энг юқори бўғинларда ҳам ана шундай хулосага келишмоқда. Шунга қарамай антикоммунизм васвасаси, «жодугарларни овлаш» борган сари авж олмоқда. Биз буни уч кунлик фитнадан сўнг марказ қўйган дастлабки қадамларданоқ ҳис этдик. Шунда биз бундай Марказий Қўмита, унинг раҳбар органлари ҳамда раҳбар аппарати КПССга бошчилик қилишга қодир эмас, деган хулосага келдик. Илгари қўйи бўғинларнинг фикр-мулоҳазалари билан кўпинча ҳисоблашмас эдилар. Август воқеаларидан кейин эса шу нарса ҳаммага аён бўлдики, энди ўзгаришларга ишониб бўлмайди, биз кечикдик, бундай олий орган бизнинг фикрларимизни ифода эта олмайди ҳамда бизнинг позицияларимизни қатъий туриб ҳимоя қилишга кучи етмайди. Шу боис унинг таркибига сайланган Ўзбекистон Компартиясининг барча вакиллари истеъфо бердилар. Булар орасида Сиёсий бюрога ва Котибиятга кирганлар ҳам бор. Ўзбекистон Компартияси ҳам ўзини мустақил деб эълон қилди.

Бугунги кунда шуни тан олиш керакки, партия ўз-ўзидан КПСС XXVIII съездида белгиланганидек ислоҳ бўла олмасди. Бош котиб шу лавозимдан кетишини оқлаш учун ўз суҳбатларидан бирида ҳам шу ҳақда гапирган эди. Сиёсий бюро амалда партияга раҳбарлик қилишдан четга чиқиб қолган эди. Котибият эса асосан «москваликлар таркиби»да ишларди. КПСС Марказий Қўмитаси аппаратини янгилашга, уни тенг асосларда иттифоқдош республикалар Компартиялари вакилларидан бутлашга умид қилинарди. Бироқ бу ўринда ҳам олдимизни КПСС Марказий Қўмитаси аппаратининг бюрократик қисми тўсиб қўйди. Боз устига ҳудудий секторларни жумҳуриятимизнинг талаб-эҳтиёжлари ва муаммоларини, партия қўмиталари ва бошланғич ташкилотлар ишининг ўзига хос хусусиятларини тушунишдан анча йироқ кишилар билан шакллантиришдан иборат яроқсиз амалиёт давом эттирилди. Шунинг оқибатида биз аввалгидек КПСС Марказий Қўмитасидан мамлакатнинг бошқа барча минтақалари учун тайёрланган бир хил нусхадаги йўл-йўриқлар ва маслаҳатларни олавердик. Биз буни айниқса, партия қўмиталари аппаратлари икки марта қисқаргандан сўнг ҳис этдик. Хуллас, «Марказ хоҳиш-иродаси билан» партиявий ўзаро муносабатларда ваъда қилинган қайта қуриш рўй бермади. Албатта, неча ўн йиллар мобайнида биргаликда ишлаб вужудга келтирилган алоқаларни узиш алам қилади. Лекин улар олисдан бошқариладиган қурилмани ёки фақат бир дарвозага қараб ҳужум қилишни эслатса, начора. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссиясининг август воқеаларини таҳлил қилишга бағишланган қўшма пленуми бундай қарорни қўллаб-қувватлади.

Мазкур анжуман қарорига мувофиқ республика партия ташкилотларида Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ҳамма жойда бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари, шаҳар ва район партия комитетларининг кенгайтирилган бюро мажлислари, пленумлари, вилоят партия конференциялари ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган Олий Кенгаш сессияси уларнинг ишига кучли таъсир ўтказди. Коммунистлар ўзларининг анжуманларида якдиллик билан Ўзбекистон Компартияси ҳам тўла мустақил сиёсий ташкилот бўлиши керак, деб таъкидладилар. У ҳозирги шарт-шароитларда бу ташкилот аъзолари тақдири учун, республика ва халқ келажаги учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ва олиши керак.

Съездга сайланган делегатларга Ўзбекистон Компартиясининг ҳуқуқий вориси бўлган янги партияни ташкил этишдек тарихий вазифани бажаришдан иборат қатъий наказ берилди. Ҳатто партия номини ўзгартириш имкониятлари ҳақида ҳам фикр билдирилди. Лекин барибир у Ўзбекистон халқлари учун муносиб турмуш даражасини яратиш, жумҳуриятнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш ва унинг гуллаб-яшнашини таъминлаш бўйича олиб бориладиган мураккаб ишларда иштирок этувчи барча соғлом кучларни бирлаштириши зарурлиги уқтирилди.

Съезд бу даватга қулоқ солиши, коммунистлар хоҳиш-иродасини бажариши лозим. Биздаги партия аъзоларининг олтидан бир қисми 30 йил ва ундан ҳам кўпроқ стажга эгадир. Фахрийларнинг қилган хизматларини унутмайлик. Улар партияга ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун эмас, балки илғор кучларни жипслаштириш, қийинчиликларни биргаликда бартараф этиш учун, Улуғ Ватан урушида душманга қашқатқич зарба бериш ҳамда мамлакатнинг вайрон бўлган хўжалигини тиклаш учун кирганликларини тез-тез такрорлайдилар.

Коммунистлар, Ўзбекистон партия ташкилоти қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга улкан ҳисса қўшганликларини эслайлик. Жуда катта ҳудудда мустаҳкам саноат ва озиқ-овқат базаси яратилдики, у кундан-кунга аҳолиси кўпайиб бораётган республикамиздаги бир неча миллион кишини боқиш, минтақада иккита янги вилоятни ташкил этиш имконини берди. Бошқа ишларда, жумладан, масъулиятли қайта қуриш даврида коммунистлар барча ишларнинг ҳамда халқимиз қўлга киритган ютуқларнинг биринчи сафларида бордилар. Ахир уларни олий раҳбариятдаги бир тўда муртадлар билан ёнма-ён қўйиш ёки улардан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси ва Котибиятидаги ортодоксал фикрловчи ҳамда фитначиларнинг йўлини қўллаб-қувватлаган баъзи кишилар сингари жавобгарлик талаб қилиш мумкинми? Ҳолбуки ҳозир баъзи жойларда ана шундай қилинмоқда. Ҳаммани бир хилда жавобгарликка тортишга, партияни тақиқлашга даъватлар эшитилмоқда. Мана шундай оғир шароитда Компартиянинг ўзини-ўзи тарқатиб юбориши, унинг тузилмаларини тугатиши ҳалокат билан баробардир. Айни пайтда бу нарса сиёсий ҳокимиятда бўшлиқни вужудга келтириши мумкин бўлур эди. Агар шу нарса пайдо бўлса илғор кучлар бир ёқда қолиб диктатурага, тоталитаризмга ҳамда маъмурий-буйруқбозлик усулларига интилувчи кучлар ўша заҳоти бўшлиқни тўлдиришлари мумкин. Шу сабабли сабр-тоқат қилишга, эҳтиросларга берилмасликка даъват қилаётган коммунистлар ва партия ташкилотларига қулоқ солиш лозим. Улар съезддан пухта ўйланган ҳамда амалий ҳаракат дастурини кутмоқдалар.

Бу фикрни давом эттирар эканмиз, партия ўз фавқулодда съездининг иккинчи босқичига ўтади, деб ишонамиз. Ўйлаймизки иккинчи босқичда партия янги шароитларда қандай бўлиши кераклиги масаласи узил-кесил ҳал этилади.

Давлатда ижтимоий-сиёсий кучга таянмайдиган раҳнамо бўлиши мумкин эмас. Буни тузумлари қандай бўлишидан қатъи назар дунёдаги барча етакчи давлатлар тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Биз шу тажрибадан фойдаланишимиз лозим. Айрим оппозициячи кучлар гиж-гижлаётган шубҳали эксперементларни ўтказиш шарт эмас.

Шу билан бирга съезд республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштиришга, жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришга, бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини социал ҳимоя қилишга самарали таъсирни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқар экан, ички партиявий ишларни такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор берилиши зарур. Кадрлар сиёсатида, партия комитетлари аппаратларини шакллантиришда анчагина нуқсонлар бор. Раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам хонанишин ишлаш усулларидан воз кечганлари йўқ. Неча марталаб талаб қилинаётганига қарамай аввалгидай аҳоли истиқомат жойларида жонли иш йўлга қўйилмаяпти. Ҳудудий партия ташкилотларининг фаолияти кам самара бермоқда. Ташкилий ишлар билан шуғулланишга даъват этилган партия қўмиталарининг, чунончи, Марказий Қўмита бўлимларининг иши ҳали кўнгилдагидай эмас. Бир сўз билан айтганда фикр юритишга, нималардан воз кечиш ҳақида ўйлаб кўришга сабаблар бор. Шу билан бирга коммунистларнинг аксарият қисми партия ҳаётида фаол иштирок этишни истайди. Шу боис янги партия тузишда асосий диққат-эътиборни айни шунга қаратиш даркор. Бунда ишлаб чиқариш жамоаларида ташкил этилган ва самарали иш олиб бораётган бошланғич ташкилотларни ёппасига тарқатиб юборишга шошилаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиш, бу масаланинг ҳуқуқий жиҳатларини ва конституцион нормаларини диққат билан ўрганиш лозим. Бу жамоалардаги бошланғич ташкилотларнинг энг долзарб масалаларни ҳал этишдаги куч-ғайратларни ҳамда воситаларни сафарбар этишдаги, тарбиявий ишлардаги, оммавий тадбирларни ўтказишдаги, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги, Президент фармонларини, Ўзбекистон Компартиясининг аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган Ҳаракат дастурини ҳаётга татбиқ этишдаги ижобий роли ҳаммага аёндир. Агар меҳнат жамоаси уларнинг мавжудлигини фойдали деб билса, фақат шу жамоагина партия ташкилоти ишлаш-ишламаслигини, унинг фаолияти учун шароитлар яратиш масаласини ҳал этишга ҳақлидир. Бу ўринда ҳам масалага ижодий ёндашиш лозим. Давлат тузилмаларини партиядан ҳоли қилиш масаласига келсак, буни ҳар бир коммунистнинг ўзи ҳал қилсин. У ё партия билан алоқани узиши ёки истиқомат жойлари бўйича партия ташкилотларида жамоат иши билан шуғулланиши лозим. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги декларациясининг 9-моддасида айтилганидек ҳар бир фуқаро сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Ўйлаймизки, мазкур демократик, конституцион ҳужжат айрим қизиққон кишиларни ҳовридан тушириб қўйиш ҳамда ҳар бир кишининг шаънини ноҳақ шак-шубҳалардан ҳимоя қилиш имконини беради.

С. МАМАРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси.

ЯНГИ ПАРТИЯНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Бекобод металлургия заводида тақчил маҳсулот — кичик диаметрли газ ва водопровод қувурлари тайёрловчи цех муддатидан беш ой илгари ишга туширилди.

Дастлаб 34 миллиметр диаметрли қувурлар ишлаб чиқарила бошланди. Август ойида шундай маҳсулотдан қарийб 43 километр узунликда тайёрланди.

СУРАТДА: қувур пайвандлаш цехи чилангари А. Ўтешев, қувур кесувчи С. Чен ва электрчи Б. Каримқуловлар иш устида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ОБРЎ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Компартиясининг бугун ўз ишини бошлайдиган фавқулодда XXIII съезди янги тузиладиган партия номи, унинг ҳаракат йўналишлари-ю, фаолиятига оид ҳужжатлар қандай бўлиши хусусида мулоҳаза билдиради.

Шунга кўра, мен ҳам баъзи фикрларимни ўртага қўймоқчиман. Даставвал, партиямиз Ўзбекистон Республикаси номига монанд номга эга бўлиши ва у мустақилликни бутун фаолияти билан ҳимоя қилиши керак, деб ҳисоблайман.

Партия мустақилликни ҳимоя қила билиши учун тўла маънода обрўли бўлмоғи лозим. Одатда, обрў — катта куч, қудратли омил. Шу омилдан, шу кучдан бебаҳра партия халқ ишончини қозонолмайди. Мисқоллаб жамғарилган обрўни бир ҳаракат билан, аниқроғи бир бебурд сўз билан ғарқ қилган партия арбобларини, раҳбарларини кўп кўрдик. Энди бунақаларга хушимиз йўқ. Обрўлининг сўзини ҳамма қувватлайди, обрўсиздан четлашади.

Обрўсизларнинг сўзи инобатга олинмаслигини биламиз. Дарвоқе, партиянинг обрўси нега пасайиб кетди? КПСС Марказий Комитети қанча-қанча қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар бажарилмади, қоғозда қолиб кетди. Компартиянинг омма орасида обрўси тушиб кетишига биринчидан ваъдабозлиги сабаб бўлди. Бора-бора бу одатга айланди. Ана шу жиҳат халқда иккиланиш кайфиятини туғдирди. Айтилса-ю, рўёбга чиқмаса, бундай сўзда бурд бўладими? Хўп алдандик, энди алданмайлик.

Тўғри, кейинги икки йилда Ўзбекистон Компартияси қатъиятли бўлиб қолди. Марказ билан келишиб ўтирмай, халқ турмушини яхшилашга оид қатор қарорлар чиқарди. Кўриб турибмиз, натижалари чакки эмас. Лекин иқтисодиётнинг ҳозирги аҳволи ва шунга мувофиқ аҳоли турмушини ҳисобга оладиган бўлсак, партиямиз ва унинг аъзолари олдида мураккаб вазифалар турибди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган шароитда.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун қайси йўлдан борамиз, қандай қилсак мўлжалланган манзилга оз куч ва вақт сарфлаб тезроқ етиб борамиз? Айтмоқчиманки, одамларга рисоладагидек турмуш шароити яратиб бериш, иқтисодиётни тиклаш, хорижий шериклар билан алоқаларни ривожлантириш каби тадбирлар Ўзбекистон меҳнаткашлари тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Партия съезднинг дастурий ҳужжатларида шу масалаларни яқин вақт ичида ҳал этиш муддаоси назарда тутилади, деб умид қиламан.

Бу — кўламли, долзарб вазифа. Бу масалани катта обрўга эга бўлган, сўзи ва иши чин маънода бир партиягина рўёбга чиқаришга қодир. Янги партия деганда мен мустақил ҳаракат қиладиган, ҳақиқатни халққа очиқ айтадиган, ростгўй, миллий туйғулар, анъаналарни қадрлайдиган, байналмилалчи партияни тушунаман.

Ўйлайманки, съезд қабул қиладиган дастурий ҳужжатларда ана шулар ўз ифодасини топади.

Анвар АЛИМОВ,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

МАНФААТЛАР МУШТАРАК

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, КПССнинг тарқатиб юборилиши унинг раҳбарияти, айниқса бош котиби М. С. Горбачевнинг энг қўпол хатосидир. Чунки мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий таназзулга юз ўгириши партиянинг барча аъзолари эмас, балки унинг раҳбарияти айби билан бўлди. Улар ўз манфаатларини ҳамиша ҳамма нарсадан устун қўйиб келдилар. Партиявий таъсир ва мавқеларидан фойдаланиб, лавозим учун курашдилар. Пленум ва съездларда халқ хўжалигини ривожлантиришга доир қабул қилинган ўнлаб қарорлар ижросиз, қоғозда қолиб кетди. Шуни айтадиларда, қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор деб. Натижа нима билан тугаганлиги эса ҳаммага маълум. Партия раҳбарларининг олқишга ўчлиги, қора нарсани оқ қилиб кўрсатишга уринишлари мамлакатни жар ёқасига олиб келиб қўйди. Лекин уларга ҳеч қандай жазо чоралари кўрилмади. Агар кимдир 100 сўм пора билан қўлга тушса, ўша заҳоти унинг устидан тергов бошланди. Давлатга миллион сўмлаб зарар келтирган раҳбар партия ходимлари эса жазосиз қолаверди. Шунинг учун ҳам ҳозир уларнинг партия ва халқ олдидаги жавобгарлиги тўғрисида жиддий ўйлайдиган пайт келди. Ахир халқимизда ким нимани эккан бўлса, ўшани ўради, деган гап борку. Мен ана шулардан келиб чиқиб йўл қўйилган нуқсонлар учун асло бутун бир партия эмас, аниқ айбдор шахслар жазоланиши лозим ва бу адолатдан бўлади, дейман.

Республикамизда ҳам маълум даражада партия обрўсига путур еткани рост. Буни айрим партия раҳбарларига нисбатан ишонч сусайиб кетганлиги билан ҳам далиллаш мумкин. Аммо бу сира ҳам аксарият партия раҳбар ходимларига ва оддий коммунистларга таалluқли эмас. Республика партия ташкилоти марказдан фарқли тарзда сиёсий ва иқтисодий масалаларни тўғри ҳал этаётганини ва шу йўл билан қабул қилинган қарорларни изчил амалга ошираётганини, ўзининг халқчиллиги ва халқпарварлигини том маънода сақлаб қолаётганини таъкидлаш зарур. У ўзининг Устави ва Дастурига эга. Бироқ бу муҳим ҳужжатлар ҳозирги кунга келиб эскирди. Ундан турли хил «изм»ларни олиб ташлаш, халққа яқинлаштириш, халқнинг дарди, ташвиши билан яшаш бу ҳужжатларда қизил ип бўлиб ўтиб туриши зарур. Бундан бошқа йўл йўқ.

Ф. ИСРОИЛОВ,
«Узбекуголь»нинг Ангрендаги 9-шахтаси бошлиғи ўринбосари.

ЭНГ ЯХШИ ЖИҲАТЛАР ЖАМЛАНСИН

Уз тақдиримни Коммунистик партия тақдири билан боғлаганимга 52 йилдан ошди. Бухоро халқ инқилоби содир бўлганида ўн ёшлик бола эдим. Инқилоб туфайли мендай Жўйборлик тўқувчининг фарзанди янги мактабда таълим олиш имкониятига эга бўлди. Шаҳарда ташкил этилган дастлабки саноат корхонаси — пиллакашлик фабрикасига ишга кирдим. Кейинчалик молия-иқтисод техникумини тугатдим.

У пайтларда ўрта махсус маълумотли мутахассислар жуда кам эди. Партия мени масъул лавозимларга кўтарди. Чорак аср Отбозор қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитасига раҳбарлик қилдим, хўжалик вазифаларида ишладим. Аммо қаерда ва қандай лавозимда бўлмай, ҳамиша ўзимни партиянинг оддий жангчиси деб билдим.

Ҳаммага маълум, оддий жангчининг саркарда йўл кўйган хатоларда айби бўлмайди. Энди ошкоралик шароитида партиянинг Сталин каби раҳбарлари жорий этган маъмурий-буйруқбозлик системаси, демократия, ошкоралик бўғилган йиллари халқ бошига қандай кулфатлар солинганлиги аён бўлмоқда.

Ҳаёт бизга аччиқ сабоқлар берди. Энди бу сабоқлардан тегишли хулоса чиқариш — янги авлоднинг зиммасида. Биз эса улардан фақат бир нарсани қаттиқ илтимос қиламиз: коммунистик назариядан тўла юз ўгирманг. Бу буюк одамларнинг даҳоси билан инсониятнинг борлиқ орзуларини ўзида мужассамлаштирган ижодий назариядир.

Ўзингиз ўйлангчи, агар мана шу назария рўёбга чиқмаганида, инқилоб бўлмаганида мендек минглаб, миллионлаб оддий меҳнаткашнинг фарзанди юзага чиқармиди. Ҳозир партияга, инқилобга, биз босиб ўтган йўлга тош отаётганлар кўпайиб кетди. Улар билмайдиларки, мана шундай таъна тошлари ўзларини юзага келтирган оддий меҳнаткаш халқнинг асрлар бўйи қилган орзусини рўёбга чиқарган бутун бир авлод шаънига отиляпти. Бунга сира ҳам йўл қўйилмаслиги зарур.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги шароитида унга чинакам бунёдкорлик мазмунини бахшида этайлик. Қотиб қолган ақидалар, шиорбозликлар, турли хил буйруқбозлиги, аппаратбозликлардан бутунлай воз кечайлик. Токи, республиканинг янги партиясида дунёдаги барча коммунистик ва социал демократик партияларнинг энг яхши жиҳатлари жамулжам бўлсин.

Менинг назаримда янги партия порлоқ истиқболни инкор этмай туриб, чинакам ижтимоий адолат партияси бўлиши, жамиятнинг барча табақаларини ўз сафларида бирлаштириши керак. Биз яқинда вилоят партия қўмитасида бўлган учрашувда шу тўғридаги фикрларимизни очиқ айтдик. Бундан буёғига зарур хулоса чиқариш ва амалий ишга киришиш эса съезд делегатларининг масъулиятига ҳавола.

Х. ЕҚУБОВ,
партия ва меҳнат фахрийси, Бухоро шаҳри.

АЙНИ МУДДАО

Собиқ КПСС Марказий Комитетининг собиқ аъзоси сифатида Бош котиб М. С. Горбачевнинг раҳбарлик фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарорини эшитиб, жуда ҳам руҳан эзилдим. Кўп ўтмай партияни бутунлай тарқатиб юбориш, унинг мулкини мусодара этиш тўғрисидаги хабарлар сал кам 20 миллион оддий коммунистларни норози қилиб қўйганлигига шубҳа қилмайман. Ахир, мамлакат Президенти СССР халқ депутатлигига айнан КПССдан номзод қилиб кўрсатилиб, миллионмиллион коммунистларнинг қўллаб-қувватлаганликлари сабабли шу лавозимга эришганлиги сир эмас-ку. Партия ўз фаолиятини тўхтатар экан, коммунистлар номзодини кўрсатган бошқа бир неча ўнлаб, халқ депутатларининг иши нима кечади? Бундан кейин уларнинг депутатлик фаолияти ҳам тўхтатиладими? Партияни тугатиш тўғрисида жон куйдираётган ана шу депутатлар энг аввало шу ҳақда ўйлаб, сўнг ўзлари ўтирган дарахт шохини кесишга киришсалар бўлмасмиди? Қўйингчи, иғвою фитнага аралашиб қилмиши фош бўлган партия раҳбариятининг бир қисми эмас, бутун бир партиянинг жавобгар этилаётгани ҳозир ҳар бир соф виждонли коммунистнинг қалбини ўртаяпти.

Мен буларни шунинг учун айтаяпманки, республикамизда янги партия тузиш кун тартибига қўйилган экан, эндиликда шундай бузилишларга сира ҳам йўл қўймаслик зарур. Шунингдек, КПСС сафида туриб у ёки бу сабабларга кўра коммунист номига доғ туширган, унинг обрўсини тўккан кишиларни қандай лавозимда ишлаётганидан қатъи назар янги тузиладиган партия сафига қабул қилмасликни таклиф этаман. Умуман, янги партияни тузиш жараёни партияда ўзига хос тозалаш даври ҳам бўлиб қолмоғи даркор.

Шу кунларда жуда кўп коммунистлар, меҳнат ва партия фахрийлари билан учрашишимга, суҳбатлашишимга тўғри келмоқда. Уларнинг кўпчилик қисми партиямиз номи қандай бўлишидан қатъи назар том маънодаги халқ партияси бўлиб қолиши тарафдори. Оддий коммунистлар ҳам, партиясиз фаоллар ҳам янги партиянинг сафига мустақил республика равнақи йўлида хизмат қиладиган, маданий ва маънавий қадриятларимиз учун курашда доимо олдинги сафда бўла оладиган энг софдил кишилар қабул қилинса, айни муддао бўлади, демоқдалар.

К. ҚОДИРОВА,
Зомин районидаги «Коммуна» номли 51-мактаб директори.

Оқдарё район Даҳбед қишлоғидаги тикувчилик корхонаси маъмурияти аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор беряпти. Яқинда корхонанинг Лойиш шаҳридаги филиали ишга туширилди. Ҳозир бу ерда 80 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қиляпти. Улар чойшаб, болалар ички кийимлари ва чақалоқлар учун комплектлар тайёрлашни йўлга қўйишди.

СУРАТДА: цех илғор ишчилари Сайёра Собирова ва Нонла Аҳмедовалар.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

ЭЛНИНГ ҒАМИ—ЭРНИНГ ҒАМИ

Элга қўшилган мой ютар.
Элдан айрилган қон ютар.

Элга қўшилсанг, эр бўласан.
Элдан ажралсанг, ер бўласан.

Элдан айрилгунча, жондан айрил.

Элнинг сенга чўзса қўл.
Унга доим содиқ бўл.

Элнинг бахти — эрнинг бахти.

Эр давлати — элида.

Юрт қўрисанг, ўсарсан,
Қўримасанг, тўзарсан.

Юрти бойнинг ўзи бой.

ҲАМКОР, ҲАМНАФАСМИЗ

Бугун фавқулодда ўтаётган мустақил республикамиз партия съездида ғоят муҳим ва ҳаётий масалани муҳокама қилишга, кенг фикрлашга ва керакли хулосалар чиқариб иш кўриш ва келажагимизнинг мустақил, истиқлол йўлларини белгилаш учун тўпланганмиз. Шу муносабат билан мен жумҳуриятнинг бир фуқароси сифатида баъзи бир фикр ва мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

КПСС раҳбарлиги остида 70 йилдан ортиқроқ ишладик ва яшадик. Бу давр ичида баъзи бир хайрли ишлар ва айрим ютуқлар билан бирга коммунистларимиз ва халқимиз кўпгина салбий оқибатларни ҳам ўз бошларидан кечирдилар. Шундай шароитда партиянинг аҳволини, келажагини очиқ муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш, партиянинг вазифаларини аниқ белгилаш, халқимизга уни тўғри тушунтириб бериш ўрнига партия принципларининг бузилганлигини ва КПСС Марказий Қўмитасининг эшигига қулф тушганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Афсуски, шу ўтган давр ичида партияга раҳбарлик қилишда кўпгина камчилик ва чалкашликларга йўл қўйилди. Якка ҳукмронлик, буйруқбозлик ва қарорбозлик, тўраларча маҳкамачилик таъсирида ишладик, юқоридан берилган қатор кўрсатмаларни кўр-кўрона, итоаткорона амалга оширишга ҳаракат қилдик.

Демократия, одиллик, ошкоралик, келажак истиқболларимиз ва халқ фаровонлиги тўғрисида эса кам ўйладик. Баъзи бир ютуқларимизга маҳлиё бўлиб, ҳақиқий демократиянинг ривожига ва истиқболига кўпда эътибор бермадик.

Мана шуларнинг оқибатида бугун партиянинг инқирозга учраганини, обрўсизланганлигини, халқ ишончидан узоқлашганлигини, афсуслар бўлсинки, кўриб турибмиз.

Йўл қўйилган сиёсий хатоларни бартараф қилиш, келажакда бу камчиликларни қайтармаслик, истиқболли ғояларни, демократик принципларни қарор топтириш энг асосий вазифадир.

Фақат янги партиягина халқ қалбидан чуқур жой олади, халқ ишончини қозона олади, сўзсиз обрў-эътиборга ҳам эга бўлади.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳаммамиз бир-биримизга дўст, ҳамжиҳат, аҳил бўлиб, ҳалол меҳнат қилишимиз керак.

Ҳар бир киши ўз олдига қўйилган вазифага чуқур масъулият ҳисси билан ёндошса, юрак қўрини бериб, астойдил ишласа, халқ билан доим ҳамнафас, ҳамкор, ҳамдард мулоқотда бўлиб, унга суянган ҳолда иш олиб борса ва янги партия дастурини бажариш учун ташаббус кўрсатиб ишласа, мустақил жумҳуриятимиз ўз олдига қўйган олижаноб мақсадга, албатта, эришади. Бунинг учун бутун имкониятлар мавжуд.

Демократияни сафсатабозликка айлантирувчи, фақат бугунги кунни ўйлаб, юзаки иш кўрувчи, ғоя бериб амалий ишда ўзи четда турувчи, тайёрга айёрлик билан иш кўрувчилардан холис бўлган ҳолда иш юритишимиз керак. Мустаҳкам дўстлик, биродарлик, содиқлик, меҳр-оқибатли бўлиш, камтарлик, ҳалол, фидокорона меҳнат орқалигина олдимизда турган мураккаб ва жиддий вазифаларни бажаришимиз, халқ фаровонлигини оширишимиз мумкин. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларни сабр-тоқатли бўлишга, бир-бирларини ҳурматлашга, ҳақиқий одамийлик ҳислатларини намоён қилишга даъват этиш, ривожланишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш муваффақиятимизнинг зарур шартидир.

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЭЪТИҚОДИМИЗ БУТУН

Коммунистларни ёппасига ёмон отлиққа чиқариш, уларни бадном қилиш ҳаракати кучайиб кетди. Бироқ масалага чуқурроқ ёндашилса кўп нарсаларни англаб олиш мумкин. Тўғри, баъзи партия раҳбарларининг айби билан мамлакатда халқ хўжалиги, саноат, санъат, адабиёт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни бошқаришда узоқ йиллар мобайнида маъмурий-буйруқбозлик усули қарор топди. Натижада демократияга путур етди, халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилди. Эркин фикрловчилар, инсон баркамоллигига, унинг фаровон яшашига демократик йўл билан эришишга интилувчилар қатағон қилинди.

Шу иллатларнинг асосий айбдорлари юқорида айтганимдек, бир тўда тўралардир. Улар партияни ниқоб қилиб, ўз ҳукмларини ўтказдилар, холос. Оддий меҳнаткашлар эса ҳалол меҳнат қилиб, эл-юртга ризқ-рўз улашдилар. Уларнинг тинчлигини, соғлиғини ҳимоя қилдилар.

Менинг отам Наби Иброҳимов ҳам оддий коммунист сифатида қаерда лозим бўлса, шу ерда виждонан ишлаганлар. Эл-юрт олқишига сазовор бўлганлар. Ҳозир ҳам маҳаллада фаол жамоатчи сифатида ёшларнинг ҳалол, меҳнаткаш, имон-эътиқодли бўлиб камол топишига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Мен хизмат қилаётган Тошкент 1-тиббиёт олийгоҳида ҳам коммунист шифокорлар талайгина. Уларнинг кўплари Улуғ Ватан уруши жангоҳларида жон олиб-жон бериш-ган. Минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолишган. Бу билан улар ўз партиявий бурчларини виждонан бажаришган.

Бу билан демоқчиманки, бир гуруҳ одамлар деб бутун партияни бадном қилиш, миллионлаб кишиларни эътиқоддан маҳрум қилиш инсофдан эмас. Жумҳуриятимиздаги партия аъзоларининг асосий қисми тўғри, ҳалол, пок, ўз касбига, халқига садоқатли инсонлардир. Ана шуларни тушуниб етган Узбекистон раҳбариятининг олиб бораётган сиёсати таҳсинга лойиқ.

Лекин Коммунистик партияни ҳозирги кўринишда асраб бўлмайди. Уни тубдан янгилаш, чинакам халқ демократик партиясига айлантириш даркор. Токи у халқ учун яшасин, халқ учун хизмат қилсин, халқнинг орзу-умидларини ҳимоя қилсин. Ана шунда кенг меҳнаткашлар оммаси унга эргашади. Ватан равнақи йўлида самарали меҳнат қилади. Мен бугун очиладиган Узбекистон Компартиясининг XXIII съездидан ана шундай халқчил партиянинг бунёдга келишини кутяпман.

Файзулла ИБРОҲИМОВ,
Тошкент 1-тиббиёт олийгоҳи доценти, тиббиёт факлари номзоди.

Биз бир ёқадан бош чиқарган ҳолдагина тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқа олишимизга аминмиз. Бугунги кунда коммунистлар саросимага тушмай, иғволарга учмай партиямизни демократик йўл билан чуқур ислоҳ этиш учун барча ишларни қилишлари керак, деб ҳисоблаймиз.

(И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссияси қўшма пленумида қилган маърузасидан).

Республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилиниши хўжаликларда мамнуният билан кутиб олинди. Қумқўрғон районидаги «Москва» жамоа хўжалиги республикамизда ингичка толали пахтанинг сара уруғларини етказиб берадиган асосий масканлардан бири ҳисобланади. Уч минг гектардан зиёд майдондаги пахтазорда ҳосил чўғи чакки эмас. Жамоа аъзоларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида эса тоғ этакларида ўзлаштирилган ерларда буғдойзор, 400 гектар майдонда янги боғ барпо қилинди. Кўплаб полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) ҳайдовчи Н. Раимов, боғдорчилик бригадаси бошлиғи А. Тўхтамишев ва кимёвий хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Х. Тожиевлар бир пиёла чой устида суҳбатлашмоқдалар.

В. Миленький (ЎзТАГ) олган сурат.

ҚАЛБ СЎЗИ

Ўзбекистоннинг Мустақиллиги тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлиги қалбимизни қувончга тўлдирди. Очиғини айтганда, бу озодлик ва мустақилликка эришишни умр бўйи орзу қилгандик. Ахир бу кунга етолмай қанчадан-қанча авлодларимиз қурбон бўлди. Ватандан бадарға бўлганлар, хўрланганлар-чи? Энди адолат қуёши бошимиз узра порлайдиган бўлди.

Мустақиллик йўли аҳиллик, меҳр-оқибат билан янада ойдинлашади. Одамлар ўртасида шахсий адоват бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Имонимиз бут, эътиқодли бўлмоғимиз зарур. Ҳамкорликда ғап кўп. Биз бир ёқадан бош чиқариб ҳалол тер тўксак юзимиз ёруғ бўлиб эзгу мақсадимиз ойдинлашаверади. Айни шодиёна кунларда қалбимда мавж ураётган сўзлар ана шулардан иборат.

Убайдулла ҒАППОРОВ,
ишчи, Қарши шаҳри.

МАҲАЛЛАЛАРГА КЎЧИРГАН МАЪҚУЛ

Партия бошига бундай оғир куннинг тушиши кўпдан бери етилиб келаётган табиий масала эди. Чунки, унинг сўзи ва амалий иши ўртасида узилиш пайдо бўлди. Расмиятчилик, қоғозбозлик авж олди. Халқ турмуш фаровонлиги билан боғлиқ қарорларнинг аксарият қисми бажарилмай қолиб кетди. КПСС Марказий Қўмитасининг бу хилдаги фаолиятсизлиги кўпчиликни, шу жумладан мени ҳам жиддий ташвишга солиб келаётганди. Мен ана шундай камчиликлар тўғрисида Марказий Қўмита аъзоси сифатида шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Пленумда сўзлаган нутқимда ҳам айтгандим. Афсуски, на меннинг ва на бошқаларнинг аниқ фикр-мулоҳазалари инобатга олинмай ҳавода қолиб кетаверди.

Энди республикамиз партия ташкилоти ҳақида. Республикамиз коммунистларининг ўз Дастури ва Устави бор. Лекин қабул қилингандан бери ўтган қисқа вақт ичида унинг муайян қисми эскириб қолди. Шу сабабли навбатдан ташқари съездда умуман республикамиз истиқболи, унинг мустақил ҳаётий йўли билан узвий боғлиқ партия ҳужжатлари ҳам қабул қилиниши зарур. Менимча бу ҳужжатлар халқимизнинг минг йиллик қадриятлари, мероси, урф-одатлари билан йўғрилган бўлиши лозим. Ахир Европа маданиятига билиб-билмай сажда қилавериш, шу пайтгача улар партиямиз ҳужжатларида муҳим ўринни эгаллаб келгани фақат коммунистларнинггина эмас, оддий фуқароларнинг ҳам зардасини қайнатиб юборгани сир эмас-ку. Халқимизнинг намуна олса арзийдиган анъаналари ва удумларини кўз-кўз қиладиган пайтимиз келди.

Республика партия Уставини тубдан янгилаш лозим деб биламан. Энг аввало унинг ички тузилиши қандай бўлиши ҳақида ўйлаш керак. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ҳудудий ва тармоқлараро асосларда ташкил этган мақбул. Бу ишнинг самарали эканлигини хўжалигимиз партия ташкилоти фаолияти ҳам кўрсатиб турибди. Коммунистлар одатий услублардан бутунлай воз кечиб, аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллаларда иш олиб боряптилар. Унинг йиғилишларида халқнинг оддий кундалик ташвишлардан тортиб, энг муҳим хўжалик муаммоларигача муҳокама этилмоқда. Қарорларнинг бажарилишидан маҳаллалар аҳолиси манфаатдор. Жумладан, етиштирилган пахта толасини, ундан чиқадиган хом ашёни сотишни хўжаликнинг ўзи зиммасига олганлиги ҳам мана шу партия ташкилотлари таклифи билан бўлди. Бу эса фойдани анча кўпайтирди, одамларнинг турмуш шароити яхшиланди. Бошланғич ташкилот обрўси ошиб бораётганининг сабаби ана шунда. Яқинда хўжалик коммунистларининг йиғилиши бўлди. Улар партияни халққа янада яқинлаштириш лозимлигини, шу мақсадда унинг номини ўзгартириш зарурлигини таъкидладилар. Янги тузиладиган партиянинг номини Халқ демократик партияси деб аташни таклиф қилдилар.

Р. ОТАЖОНОВ,
Хива районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги раиси.

ГАП ФАҚАТ НОМДА ЭМАС

Одатда ҳар қандай партия кишиларни мансаб-лавозими, ишлаб чиқаришдаги ўрни, дини ва миллатига қараб эмас, балки унинг муштарак ғоявий эътиқодига қараб ўз атрофига бирлаштиради. Бизда эса у ишчи партияси деб эълон қилинди ва илғор ишчи, қишлоқ хўжалик ходимлари ёппасига КПСС safига қабул қилинаверди. Бинобарин уларнинг маслаги, дунёқараши билан ҳеч ким қизиқмади. Зиёлиларнинг кўпчилиги эса азбароён мансаб, лавозим учун партияга аъзо бўлдилар. Натижада ишчилар партияси деб номланган катта сиёсий ташкилот аҳолининг ҳеч қайси қатламига наф келтирмади. Аксинча, унинг нотўғри фаолияти сабабли «чириб бораётган» ва «ҳалокатга маҳкум», аслида халққа бинойидек турмушни таъминлаётган капиталистик дунёни менсимай қўйдик. Ваҳолонки, бизнинг мамлакатимизда халқнинг турмуш аҳволи сезнларли ўзгарганн йўқ, кўпроқ бир хил даражада депсиниб турибди, деб айтсам янглишмайман.

Мен КПСС XXVIII съездидан кейин «Ўзбекистон овози» рўзномасида чиққан мақоламда партия идоралари фаолиятини тезлик билан ислоҳ қилиш зарурлигини айтгандим. Чунки, ҳамкасбларим, оддий меҳнат кишилари ҳам шу фикрда эдилар. Аммо бу мулоҳазалар партия юқори органлари томонидан инобатга олинмади. Демократик жараённи бошлаб берган Марказий Қўмита ана шу оқимнинг ўртасида қолиб кетди. Ҳаёт эса аксинча ўзича давом этаверди.

Ҳа, партия марказий идоралари нуфузи тушиб кетди. Шу боис мен КПСС Марказий назорат комиссияси аъзолигидан ўз ихтиёрим билан истеъфога чиқдим. Менинг бу қилмишимни ҳамкасбларим, сафдошларим ҳам маъқулладилар. Бу менинг айни пайтда давлат тўнтариши ясашга уринган исёнчиларга сўзда ва амалда ёпбосган партия Марказий Қўмитасининг раҳбарият қисми фаолиятига нисбатан билдирган норозилигим ҳам бўлди.

Республикамиз мустақилликка эришди. Мустақил республикага эса мустақил партия керак. Ҳозирги пайтда унинг келажаги, янги номи, тузилиши ҳақида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилянти. Менимча, янги партияни тузиш пайти келди. Зеро унинг тузилиши, иш тутиминн ўзгартирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шундай қилиш керакки, у республикада яшаётган ҳар бир фуқаронинг манфаати учун хизмат қилсин. Шу сабабли унинг номига халқ сўзи қўшилишини жуда-жуда истайман.

Ш. ШОДИЕВ,
Оқтош шаҳридаги ремонт-механика заводининг электр пайвандчиси.



ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат, деб эълон қилинганидан бошимиз осмонга етди. Жанажон юртимизнинг табиий, моддий ва маданий бойликлари ўзимизники бўлиши халқларимизнинг ҳаётини яхшилашда энг асосий омил бўлади.

Эндиликда Ўзбекистон мустақил равишда ўзининг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисоди, савдоси, маданий алоқаларини белгилаб, янги тарихий даврга қадам қўйди. Бундан буён республикамиз марказдан берилаётган буйруқ ва режаларга чек қўяётган бўлди. Мустақиллик эълон қилингунга қадар ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ўзбек тили Давлат тили мақомини олди, Давлат Нашидаси (мадҳия эмас), Байроғи, Гербини аниқлаш ишлари ҳам авжида. Истардикки, бу рамзий белгилар ва Давлат Нашидаси Ўзбекистонимизга мос бўлса, Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб, халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшса. Ахир бизга мустақил давлат тузиш ота-боболаримиздан азалдан мерос бўлиб келган. Бугун уларнинг руҳи шод бўлмоқда.

Мустақиллик муборак!

Абдувуҳур АБДУАЗИЗОВ,
Чет тиллар институтининг профессори.

Қашқадарё вилояти, Ҳасан ва Ҳусан Шукуровлар Қарши давлат педагогика илмгоҳига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлардан.

Доцент Самад Шукуров раҳбарлигида ака-укалар ихчам электрон-ҳисоблаш машинасининг элементларини моделлаштирдилар. Бу электрон қурилма фақат ўзбек тилида «гапиради». Бу иқтидорли ёшлар мактаб партасидаёқ физика ва математикага ихлос қўйишганди. Шу сабабли бундан уч йил бурун Қаршидаги 5-мактабда ихтисослаштирилган махсус синф ташкил этилганда уларни биринчи бўлиб қабул этишди.

СУРАТДА: Ҳасан ва Ҳусан Шукуровлар ўқитувчи Абдурашид Усмонов (ўнгда) билан.

Ш. Шаропов сурати (ЎзТАГ).

АЙРИЛМАГИЛ ЭЛИНГДАН, ҚУВВАТ КЕТАР БЕЛИНГДАН

Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма.
Эл ишини эр қилур, Эр қадрини эл билур.
Эл куюнганда куюнган — ботир, Эл суюнганда суюнган — ботир.

Эл тилагин тилагин — Синиқ кўнглин сийлагин.
Эл қудрати — чин қудрат, Ватан тупроғи — қиммат.
Элга манзур — эрга манзур.
Элга хизмат — олий ҳиммат.

КАМТАРГА КАМОЛ

• ОДОБНОМА •

Ёшим етмишга борди. Партия аъзоси бўлганимга қирқ йилдан ошди.

Комсомол, партия ишларига берилиб ишлаган ёшлик кезларим, бригадирлик, ферма мудири, раис этиб сайланган ғоят масъулиятли пайтларим... Ва ниҳоят хўжалик, маҳалла партия ташкилотларининг котиби, маҳалла Улуғ Ватан уруши фахрийлари кенгашининг раиси.

Бу вазифалар ҳар дам район, вилоят партия комитетлари ходимлари, раҳбарлари билан учрашиб туриш, турли масалалар бўйича мулоқотда бўлишга даъват этган.

Партия ходими. Уларнинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўрганман. Кечагина халқ орасида ишлаб юрганда мўмин-маъқуллигидан қувонган бўлсак, партия ишига кўтарилгач, «димоғидан қурт ёғилаётгани»ни кўриб афсусланган пайтларимиз бўлган. Бундайлар билан бирон жиддий масалани ҳал қилиш уёқда турсин, олдиларига кириб бўлмасди. Қабулхоналарида соатлаб кута-кута ҳафсаламиз пир бўлиб қайтиб кетган пайтларимиз кўп бўлган. Улар халқ билан, унинг вакиллари билан бамаслаҳат иш қилишдан, бирга бўлишдан бошқа ҳамма нарсага вақт топишган, Аслида уларнинг халқ ишидан, халқ манфаатидан ортиқ вазифалари бўлмаслиги керак эди.

Мансаб қурсисига ўтириб олган бундай кимсалар табиатидаги сунъий жиддийлик, халқнинг тўй-маъракасига аралашса обрўси тушиб қоладигандай ўзини олиб қочиш, буйруқбозлик, манманлик, такаббурлик каби қусурлар уларнинг обрўсини кўтармаган, аксинча юз тубан тушириб юборган. Шундай қилиб улар оддий халқдан узилиб, ажралиб қолдилар. Партия обрўсига доғ туширганлар ҳам айни шулар бўлдилар. Бу билан барча партия ходимлари шундай эдилар, демоқчи эмасман. Бу катта хато бўлур эди.

Бугун ўзим ишлаб, камолга етган Тошкент райони партия комитетида, район ижроия комитетида хизмат қилган қанчадан-қанча ажойиб одамлар кўз олдимга келяпти. Булар орасидан айниқса, Жамил Акромов, Муслим Пўлатовлар номини алоҳида тилга олгим келади.

Жамил Акромов Тошкент район партия комитетига котиблик қилган йиллар айни Улуғ Ватан уруши аланга олган оғир пайтга тўғри келган эди. Халқни Ватан озодлиги йўлида сафарбарлик руҳида жипслаштириш, уруш олди, уруш орқаси дегандек оддий аҳолини, жанговор ўғлонларимизни озиқ-овқат билан таъминлаш осон иш эмас эди. Партия котиби кечаю-кундуз одамлар орасида бўлиб, уларнинг ташвиши билан ёнарди. Бу билан ўз сафдошларига намуна кўрсатиб, уларни ҳам кетидан бошларди. Ана шу оғир йиллар район хўжаликларининг аксарияти урушдан илгариги ҳолатидан ҳам юқорироқ даражага кўтарилганди.

Муслим Пўлатов номи билан боғлиқ хайрли ишлар ҳам одамларнинг эсидан чиққан эмас. Шунинг учун ҳам бу ҳар икки партия фахрийлари ҳали-ҳануз эл-юрт эъзозида. Уларни йўқлаб турувчиларнинг кети узилмайди. Ҳар ким ҳам эл-юрт олдида ана шундай обрў-эътибор топсин.

Мен биринчи навбатда раҳбарлардаги одамийликни қадрлайман. Одамгарчилиги бор раҳбар олдига одамлар ўзўзидан оқиб келаверади. Дардини ҳам, қувончини ҳам, юрагини ўртаб турган муаммони ҳам дадил ўртага ташлаб фикрлашади, маслаҳат олади. Бундай одамлар ҳақиқий фозил, камсуқум инсонлардир. Халқимизнинг камтарга камол деган ибораси шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Қобил ОДИЛОВ,
меҳнат ва партия фахрийси.
Тошкент шаҳри.

НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Ҳазрат Алишер Навоий фақат ўзбек халқинигина эмас, балки бутун туркий халқлар адабиётининг асосчиси, уларнинг фахри бўлиб келмоқда. Бу ҳақда шоирнинг замондоши ва дўсти Султон Ҳусайн «турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ анфоси била жон киюрди ва ул рух тоққонларга туркий ойин алфоз тору пудидин[1] тўқулгон хулла ва харир кийурди», деган эди. Ҳақиқатдан, хоҳ уйғур, хоҳ турк, хоҳ татар, хоҳ қозоқ, хоҳ туркман, умуман ҳамма туркий халқлар буюк шоир ижодидан асрлар давомида баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Булардан Туркия халқи ҳам мустасно эмас.

Турклар асримиз давомида рус ва Европа олимларининг (Белин, Бартольд, Бертельс, Боровков кабилар) Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган асарларини турк тилига ағдардилар. 50-60-йиллардан бошлаб шоирга бағишланган мақола ва китоблар чоп эттира бошладилар. Сўнгги йилларда Туркияда навоийшунослик борасида баракали иш олиб бораётган олим Истанбул дорилфунунининг профессори Камол Эрасландир. Мен бу етук олим ва ажойиб камтар инсон билан 1988 йилда Туркияда илмий сафарда бўлганимда танишдим. Олимнинг ўзбек халқи, унинг маданияти ва фанига бўлган ҳурмати чексиз.

Камол афанди бутун билимини Навоий ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва танқидий матнини тузишга бағишлаган. Олим 1966 йилда Истанбул университетининг адабиёт факультети илмий кенгашида «Навоийнинг «Насойиму-л-муҳабба мин шамойими-л-футувва» асарининг матни ва тил хусусиятлари» диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Аммо Навоий ушбу асарининг олимга таъсири шунчалик катта бўлдики, ҳимоядан кейин ҳам унинг устида ишни тўхтатмади, 1979 йили «Насойиму-л-муҳабба»нинг танқидий матнини чоп эттирди.

Алишер Навоий асарларининг энг йириги бўлмиш «Насойиму-л-муҳабба» бизнинг мамлакатимизда ҳалигача тўлиқ чоп этилмаган. Фақат шоирнинг 525 йиллик юбилейи арафасида чиққан ўн беш томликнинг охирги томида бешдан бир қисми босилган, холос.

«Насойиму-л-муҳабба» шоир томонидан 1495 — 96 йилларда яратилган бўлиб, ахлоқ, панд-насиҳат, одамийлик ҳақидаги фикрлар йиғиндисидир. Унда VII асрдан Навоий давригача яшаган 770 олиму фузало, азиз-авлиёларнинг ҳаёти, ибратли ўгитлар тўпланган. Ҳамма тўпланган материал битта мақсад, ёш авлодни халқларига хос бўлган юксак ахлоқий нуқтаи назардан тарбиялашга қаратилган. Навоийга хос бўлган юксак инсонпарварлик асарда ўз ифодасини тўлиқ топган. Узоқ вақтлардан буён «Насойим»ни Абдураҳмон Жомийнинг «Нафахоту-л-унс» асарининг таржимаси деб қараб келинди. Бунга асос ҳам бор эди. Навоийнинг ўзи турк улуси шундай ажойиб асардан хабардор бўлсин деб, тушунарли тилда баён этдим, дейди. Аммо «Насойиму-л-муҳабба»ни ҳеч қачон таржима асари деб бўлмайди.

Профессор Камол Эраслан 901 — 902 — 1495 — 97 йиллари Ҳиротда Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчирилган, Тўп қопи Реван сарой кутубхонасида сақланаётган, 933 — 1526-27 йиллари Ҳиротда Али Ҳижроний томонидан кўчирилган, Париж миллий кутубхонасида сақланаётган, Туркиянинг Сулаймония ва Истанбул дорилфунуни кутубхоналарида сақланаётган нусхалар асосида ҳамда XVII—XVIII асрларда Ҳиндистонда кўчирилган ва Британия музейида сақланаётган нусхалар асосида «Насойиму-л-муҳабба»нинг танқидий матнини тузди. Китоб охирида туркларга тушуниш қийин бўлган сўзлар луғати, одамлар, асарлар, жойлар номлари кўрсаткичлари илова қилинган. Камол Эраслан яратган матн юксак савияда, моҳирона пишиқ ишланган. Лекин афсуски, лотин ёзувида, кўп ўринларда Навоий тили туркча талаффузда берилган.

Камол Эраслан сўнгги йилларда Алишер Навоий асарлари тили луғати устида изчил иш олиб бормоқда. Истанбул дорилфунунининг адабиёт факультетида олим тўплаган минг-минглаб сўзликларни кўрдим. Сўзлик Тўп қопи Реван сарой кутубхонасидаги куллиётдан олинган. Афсуски, бу куллиётда «Хазойин ул-маоний»га ёзилган дебоча ва «Маҳбуб ул-қулуб» етишмайди. Луғат сўзликлари Туркияда жорий этилган лотин алифбосида ёзилган бўлиб, мисол тарзида олинган байтлар ва парчалар ҳам лотин алифбосида берилган. Камол афандим билан узоқ суҳбатлашдик. Сўзларнинг араб ёзувидаги кўринишини ҳам бериш лозим эканлигига у киши рози бўлдилар, «ҳақиқатдан ундай қилсам, луғатдан ҳам Шарқ, ҳам Ғарб олимлари фойдаланиши мумкин бўлади», деб фикримга қўшилдилар.

Ўзбек адабиётининг дўсти, жонкуяри — турк олими профессор Камол Эрасланнинг хайрли ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

Фозила СУЛАЙМОНОВА.
филология фанлари номзоди.

СПОРТ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА

● ОЛМОНИЯДА енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда республикамиз спортчилари муваффақиятли куч синашиб, мухлисларни қувонтиришди. Жумладан, Кобленц шаҳрида давом этган мусобақада найза улоқтирувчилар қаторида баҳслашган тошкентлик Дмитрий Полюнин 80 метр 72 сантиметрли маррани эгаллаб, тўртинчи натижа кўрсатди. Берлинда эса таниқли сакровчи Радион Гатауллин муваффақиятли қатнашди. У, бу сафар 575 сантиметрли натижа кўрсатиб, ғолиблик супасининг биринчи поғонасини эгаллади.

БЕХАТО НИШОНЛАР

● МОСКВАДА «Советский патриот» рўзномаси соврини учун мерганлик бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақада республикамиз вакиллари маҳорат кўрсатишди. Чунончи, Сергей Иваненко ётган ҳолатда нишонга олиш бўйича биринчи ўринни эгаллаган эди. Унинг ҳамшаҳри, тошкентлик Анатолий Асрабоев эса ҳаракатдаги нишонни беҳато уришга муваффақ бўлди. У жами 668 очко тўплаб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

ОХИРГИ БОСҚИЧДА

● ПРОФЕССИОНАЛ велосипедчилар қатори йирик пойгаларда қатнашаётган тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов Испания йўллари бўйлаб ўтказилган халқаро мусобақада мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилди. У тўртинчи босқичда кўрсатган натижаси бўйича кучли олтиликдан ўрин олган эди. Жамолиддин охирги босқич — 166 километрли йўлни уч соат 57 минутда босиб ўтиб, ғалаба қозонди.

УМИДЛИ УЧРАШУВЛАР

● КЕЧА олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 26-тур ўйинлари бошланди. Маълумки, мухлислар бу учрашувлардан кўпроқ умидвор бўлишмоқда. Боиси, чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлик қилиб, пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган жамоаларнинг учрашувлари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Фахрли ўринларни эгаллаб турган жамоалар учрашувларининг муросасиз бўлиши табиий. Жумладан, пешқадам пойтахт армиячилари билан торпедочилар учрашуви кўпчиликнинг эътиборида бўлди.

Ўйинлар жадвалининг охирги ўринларида бораётган ва олий лига билан хайрлашиш хавфини бартараф этишга уринаётган жамоаларнинг учрашувлари ҳам диққатга сазовор. Бугун «Шахтёр» — «Металлист», «Черноморец» — «Локомотив» ва «Пахтакор» — «Арарат» командалари майдонга тушадилар. Кўриниб турибдики, бу жамоалар орасида пахтакорчиларнинг имкониятлари кўпроқ. Чунки, футболчиларимиз ўз майдонларида куч синашадилар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ
жинсий йўл билан юқадиган касалликлар бўлинмасининг микробиология бўлими бўйича
бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир (тиббиёт фанлари номзоди);
кичик илмий ходимлар (илмий даражасиз) — 2.
ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.
Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 3-уй.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ЎЧУН
РЕСПУБЛИКА ВА МИНТАҚАВИЙ ТИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИ МАРКАЗЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАРКАЗЛАРДА ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ — 3, 6, 10 ОЙ ВА ИККИ ЙИЛ.

БЮДЖЕТ-ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТ ҲИСОБЛАНМИШ МАРКАЗ ТИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИ ЁКИ МАЛАКА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗАДИ.

Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Ўқиш учун тўланадиган ҳақ миқдори ўқиш муддатига боғлиқ бўлади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИ 1991 ЙИЛ СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ИШЛАМОҚДА.

МАРКАЗЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ — РЕСПУБЛИКА ТИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИ МАРКАЗИ: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй.

ҚУЙИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ НЕГИЗИДАГИ МИНТАҚАВИЙ ТИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИ МАРКАЗЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ (Тошкент шаҳри).

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЁШЛАР ИНСТИТУТИ (Тошкент шаҳри).

НУКУС ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ (Нукус шаҳри).

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Андижон шаҳри).

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Бухоро шаҳри).

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Жиззах шаҳри).

ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Қарши шаҳри).

НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Наманган шаҳри).

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ (Самарқанд шаҳри).

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Термиз шаҳри).

ФАРҒОНА ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ (Фарғона шаҳри).

СИРДАРЁ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Гулистон шаҳри).

ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Урганч шаҳри).

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Республика Тил тайёргарлиги марказига ўрта ёки олий маълумотли СССР фуқаролари ва чет эл фуқаролари тижорат асосида қабул қилинадилар.

Барча кирувчилар келиб чиқиши, жинси, ирқи ва миллатидан қайси динга эътиқод қўйганлиги ва динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар Республика тил тайёргарлиги марказининг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Марказ директори номига ариза; ташкилот, муассаса, корхона, ўқув юртининг белгиланган шаклдаги тавсиянома-мактуби.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИ.

Республика тил тайёргарлиги марказига суҳбат натижаларига кўра қабул қилинади. Кирувчиларни қабул қилиш тартиби ва таълим шаклини Марказнинг қабул комиссияси белгилайди.

Қабул билан боғлиқ барча масалалар, шунингдек, қабул комиссиясининг барча қарорлари ўз вақтида кирувчилар эътиборига маълум қилиниши лозим.

ЭСЛАТМА: бошқа шарт-шароитлар теппа-тенг келиб қолган ҳолларда чет элга хизмат сафарига жўнатилиши мўлжалланаётган шахслар биринчи навбатда қабул қилинадилар.

Шарқ мамлакатларидаги халқ ижодиёти анъаналари руҳига йўғрилган ўзига хос буюмлар ишлаб чиқариш бўйича

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИНИНГ ЯНГИ УЧАСТКАСИДА ИШЛАШ УЧУН **УСТА ЗАРГАРЛАР КЕРАК**

БУНДАЙ ҚУЛИ ГУЛ ЗАРГАРЛАР ЎЗЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ЎЙ-ҲАЁЛЛАРИНИ БЕТАКРОР ХУСУСИЙ БУЮМЛАРГА ЖО ҚИЛИШЛАРИ МУМКИН.

Ишга жойлашиш учун ўзингизнинг хомаки чизгиларингизни ёки ясаган буюмларингизни тақдим этишингиз мумкин.

МЕҲНАТ ҲАҚИ: дастлабки икки ойда — келишувга кўра, кейинчалик эса — ишбай тўланади.

Завод манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Д-20 мавзеси, 46-уй (6, 11, 19, 23-троллейбуслар: 29, 69, 78, 87-автобуслар).

Телефонлар: 74-71-84, 74-74-28.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

● *Фанимиз заҳматкашлари*

ЭЗГУ ИШЛАР ЙЎЛИДА

ЯҚИНДА Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунунининг чойхонасида кутилмаганда ўзига хос давра суҳбати бошланиб кетди. Унинг иштирокчиларидан бири:

— Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессияси Ўзбекистоннинг Мустақиллиги тўғрисида тарихий Қонун қабул қилди, — дея мамнун бўлиб гапни бошлаб берди.

— Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, — босиқлик билан деди Халил Мадиёрович, — Тарихий аҳамиятга молик воқеа. Бундай катта журъат ва дадил қадам учун Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовга миннатдорчилик билдирсак арзийди. Чунки бу республика халқларининг асрий эзгу орзу-ниятларининг рўёбга чиқишидир. Ўзбекистоннинг мустақиллиги хорижий юртларда она-Ватан тупроғига зор бўлиб юрган ватандошларимизнинг ҳам асрий эзгу ниятларидир. Бу ҳол уларнинг ҳам ўз она юртларига қайтиб келишларига кенг имкониятлар очади. Энди, — дея сўзини давом эттирди Халил Мадиёрович, — республика мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги муаммоларга келсак, фақат битта нарсага аминманки, халқ адолат томонида. Қонун, қарор адолатли бўлгач халқ уни бутун вужуди билан қўллаб-қувватлайди. Халқ қўллаб-қувватлаган ҳукумат ҳеч қачон енгилмайди. Шу боисдан Президентимиз бундан кейин ҳам халққа, демократик кучларга таяниб иш олиб боради ва Ўзбекистонда келажакда энг адолатли демократик давлат барпо бўлади, деб ишонаман.

Суҳбатдошимиз Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Халил Мадиёрович Жалилов ўзининг ғоявий-сиёсий ва назарий-илмий савиясининг юксаклиги билан уни билган ва таниган жамоатчилик ўртасида обрў топган олимлардандир.

Х. М. Жалилов урушдан кейинги даврда турли раҳбарлик лавозимларида баракали ва ижодий меҳнат қилди. У Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик иқтисодиёти илмий-тадқиқот олийгоҳининг ташкилотчиларидан ҳисобланади. Бу олий даргоҳда 16 йил давомида директорлик лавозимида ишлади. Айни шу кезларда устозимиз Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунунида қишлоқ хўжалик иқтисоди кафедрасида профессор сифатида кўплаб ёшларга ўзининг бой ўқув-методик ва илмий тажрибаларини ўргатмоқда.

У ўз касбининг моҳир билимдони, устаси. Ўзининг кўп йиллик илмий ва амалий фаолияти давомида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. 1955—1957 йилларда қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Бу иш домланинг «Ўзбекистонда пахтачилик совхозларини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари» деб номланган монографик илмий асарларида ўз ифодасини топди. Халил Мадиёрович 250 босма тобоққа яқин илмий асарлар, монографиялар, қўлланма ва дарсликлар, рисола ва мақолаларнинг муаллифи. Олимнинг илмий асарлари халқаро майдонда ҳам тан олинган. Унинг қаламига мансуб асарлар на фақат ўзбек ва рус тилларида, айни замонда олмон ва фарангиз тилларида, Ҳиндистон, Англия, Мексикада инглиз тилида ҳам босилиб чиққан.

Халил Мадиёрович дилкаш инсон. Шу туфайли уни доимо қадрдон дўстлари, биродарлар, яхши кишилар даврасида учратасиз. Устознинг ҳаёт йўли ёш авлод учун тарбия мактабидир. Заҳматкаш иқтисодчи олимнинг меҳнати муносиб баҳоланган. У «Меҳнат Қизил Байроқ», «Қизил Юлдуз», икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва кўплаб нишонлар билан тақдирланди. Ёшларнинг мураббийси, талабчан устоз, бугун айни камолатга етган, қалбида ҳали ғайрати жўш урган, ўз умрининг ҳар бир дақиқасини эзгу ишлар, фанга бағишлаш билан ўтказган олим ҳамиша изланишда.

Иқтисодиётни нечоғли омилкорлик билан юритиш халқ турмуш тарзини яхшилаш негизидир. Республикамиз мустақилликка эришган ҳозирги дамларда танг аҳволга тушган иқтисодиётни изга тушириш олим ва мураббийлар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Зеро, Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Мустақилликка эришгани муносабати билан сўзлаган нутқида бунга алоҳида эътибор бериб таъкидладики, «Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз сезиларли равишда ривожланяпти. Бунинг учун қулай ҳуқуқий негизни яратувчи қонунлар қабул қилинди. Ишбилармонларнинг Тошкентдаги учрашуви ташқи бозордаги ишларни кучайтиришга, чет эл компаниялари, фирмалари ва банклари билан тўғридан-тўғри, ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатишга туртки бўлиб хизмат қилди».

Равшанки, ташқи дунё билан алоқа қилиш, жаҳон бозорига маҳсулот чиқариш учун миллий кадрлар тайёрланиши энг долзарб вазифадир. Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуни жумҳуриятимизга худди ана шундай жаҳон миқёсида иш юритувчи кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Шубҳасиз, бунда Халил ака Жалилов сингари фан заҳматкашлари, иқтидорли олимларнинг муносиб улуши бўлажак.

С. ҒУЛОМОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунунининг ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Қ. ҲАМДАМОВ,
қишлоқ хўжалиги иқтисоди кафедрасининг мудири, профессор.

Ш. КАРИМОВ,
Ўзбекистон тарихи ва маданияти кафедрасининг профессори лавозимини бажарувчи.

МИРМУҲСИН
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СУСАМБИЛ ЮРТИ

Эй, она юрт, сен ўзинг борсан...
Бағринг илиқ, дунё қадар кенг,
Мутеликни енгдинг, баҳорсан —
Мамлакат йўқ асло сенга тенг.

Қуёшингда чиниқдик, қишда
Қалдирғочдек қочмадик Нилга.
Сен борсанки, барқ урар юрак,
Фақат сенинг севгинг жо дилга!

Сен — онамиз, сендан бошқа ким —
Қалбимизга бўларди ҳоким.
Ёмонлигим яширдинг баъзан,
Яхшилигим оширдинг баъзан...

О, ҳаммавақт иш равон бўлиб,
Дарё каби текис оқмаскан.
Баъзилар бор қўймас тош отиб,
Чўкиртаксиз бўлмас боғ — маскан.

«Сен экин эк, ундиргил буғдой,
Мен ейман», деб турганлар ҳам бор.
Жон чекмасдан юрт учун қиттай,
Панд бериб, айш сурганлар ҳам бор.

Кўргандирсиз кўкламда қорни,
Йўқотаман деркан баҳорни...
Баъзан ғазаб қайнар, асабий
Тер тўкамиз, экамиз экин.

Ниманки бўлса инсоний
Ҳаммасини қиламиз, лекин —
Боғимизда бўлмаймиз ҳакка,
Сусамбил юрт, эй жондош ўлка,

Фарзандинг кўп, эмассан якка!
Мисраларни тўғри оппоқ тонг...
Мустақил юрт, сен ўзинг борсан,
Меникисан, жон республикам,
Совуқ қишни енгган баҳорсан!

● Қарши шаҳридаги қадимий меъморчилик намуналаридан ҳисобланган ҳаммом биносини таъмирлаш якунланмоқда. Бу бино XVI асрда бунёд этилган бўлиб, қарийб 500 йил жамоа хизматида бўлди. 1970 йилга келганда ҳаммомдан фойдаланиш имконияти бўлмай қолди. Ушанда шаҳар мутасаддилари эса бунга аҳамият бериш-маганди. Ҳозирча қадимий бинони таъмирлашга 150 минг сўм сарфланди.

Суратда: таъмирловчилар бригадири Зайниддин Муҳиддинов (ўртада), усталар Ориф Эргашев (чапда) ва Рустам Азизовлар иш устида.

Суратказ: Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» («ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.30.

№ 180.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12